

Ibrohim S. USMONOV,
*Candidate of Historical Sciences,
 Postdoctoral Researcher of the Institute of Oriental
 Studies named after Abu Rayhan Biruni
 M.Ulugbek str. 79, 100170, Tashkent, Uzbekistan
 E-mail: i.usmanov@yahoo.com*

DOI: 10.47980/MOTURIDIY/2024-4/2

ҲАКИМ ТЕРМИЗИЙНИНГ «МАНҲИЁТ» АСАРИДА ҲУҚМЛАРНИНГ МАҚСАД, УРФ, ЗАМОН ВА МАКОНГА КЎРА ЎЗГАРИШИ МАСАЛАСИНИНГ ЁРИТИЛИШИ

THE ISSUE OF CHANGING SHARIAH RULINGS BASED ON CUSTOM, PLACE, TIME, AND PURPOSE IN THE WORK OF HAKIM TIRMIDHI: «MANHIYYAT»

ВОПРОС ИЗМЕНЕНИЯ ШАРИАТСКИХ ПОСТАНОВЛЕНИЙ НА ОСНОВАНИИ ОБЫЧАЯ, МЕСТА, ВРЕМЕНИ, ЦЕЛИ, В ТРУДЕ ХАКИМА ТИРМИЗИ «МАНХИЯТ»

КИРИШ

Фикҳий масалаларни рўёбга чиқаришда ҳадисларнинг ўрни бекиёс. Суфийлар ҳам ҳадисларга ўзига хос тарзда мурожаат қилганлар. Уларнинг асарларида фақатгина ривоят қилиш эмас, балки уларни тасаввуфий шарҳлаш жиҳатлари ҳам муҳим ўрин тутган. Ҳадиснинг тасаввуфий шарҳида эътибордан четда қолмаслиги керак бўлган муҳим жиҳат – назарда тутилаётган маънони Пайғамбар (с.а.в.) назарда тутган ёки йўқлигини аниқлашдир. Бунда уч хил талқин йўналишини қайд этиш мумкин: зоҳирий, ишорий ва ботиний (Karapinar Fikret, 2007:43).

Қуръонда муҳкам ва муташобеҳ бўлганидек, ҳадисларнинг ҳам тушунилиши аниқ бўлган ва тушунилишида муайян талаблар мавжуд бўлганлари бор. Суфийларда ҳадисни тушунишда тасаввуфга хос бўлган усуллар сифатида кашф, рўё, илҳом кабиларни қайд этиш мумкин (Karapinar Fikret, 2007:44). Бу анъанавий усулдан фарқли усул ҳисобланади. Илк суфийлар ўз асарларида анъанавий йўл билан бир қаторда айнан шундай йўлни тутишга ҳаракат қилганлар.

Суфийлар ривоят қилган ҳадисларнинг даражаси ҳақида турли фикрлар мавжуд бўлсада, лекин улар ҳадисларни ўз усуллари асосида танлаб олганига эътибор қаратиш даркор. Ҳадис билан шуғулланган суфийлар Имом Бухорий, Муслим, Дорақутний ёки Ибн Ҳажар даражасида бўлмасида, улар факих, муфассир, мутакаллим ва бошқалар бўлган (Karapinar Fikret, 2007:48).

Абу Абдурахмон Суламийнинг «Табақот ас-суфийя» асари кўриб чиқилса, асарда хижрий II асрдан бошлаб киритилган ва беш табақага бўлинган 100дан ортиқ суфийнинг таржимаи ҳолида 38таси ҳадис илми билан шуғуллангани, ҳадис ривоят қилгани, улардан яна 16 нафари ҳадисга қизиқиши туфайли ҳадис китобларига киритилгани қайд этилган. Бу маълумотларни Абу Нуаймнинг «Ҳиля ал-авлиё», Ибн ал-Жавзийнинг «Сифат ас-сафва» ва Шайхонийнинг «ат-Табақа ал-кубро» асарлари ҳам бир қадар тасдиқлайди (Karapinar Fikret, 2007:48-49).

АСОСИЙ ҚИСМ

Тасаввуф тарихида Ҳорис Муҳосибийдан (ваф. 857 й.) кейин энг муҳим шахслардан бири саналган, айниқса, «Хатм ал-авлиё» номли асари туфайли айбланиб, доимий равишда танқид қилинган муҳаддис-факих, суфий Ҳаким Термизий ҳам ҳадис шарҳи тарихи, ҳам ишорий ҳадис шарҳи тарихи жиҳатидан ниҳоятда муҳим ўрин тутди (Karapinar Fikret, 2007:49). Кўп тадқиқотчилар Ҳаким Термизийнинг «Наводир ал-усул» асарини ҳадиснинг ирфоний шарҳи мавзусида ёзилган илк асар, деб ҳисоблайдилар. Ҳаким Термизий «Наводир ал-усул»да ривоят қилган ҳадислари туфайли танқид қилинган. Унинг кўпгина ҳадисларининг асли йўқлиги, ровийларига таъна қилингани айtilган. Бироқ асарларида, хусусан, «Наводир ал-усул»да Имом Бухорийнинг машҳур устозлари Қутайба ибн Саид Балхий (ваф. 854,856 й.), Али ибн Ҳужр ас-Саъдий (ваф. 858 й.), Утба ибн Абдуллоҳ Марвазий (ваф. 858 й.), Суфён ибн Вакий, Яҳё ибн Саид ибн Равқ Найсобурий каби кўплаб таникли ва ишончли устозлардан иснодлари билан ҳадислар ривоят қилади (Karapinar Fikret, 2007:50). Термизийнинг ҳам ҳадис танлаб олишнинг махсус методикаси бўлган. Шу туфайли у минтақадаги бошқа муҳаддисларнинг методларини ҳам танқид қилган.

Аннотация. Ушбу мақолада, Ҳаким Термизийнинг «Манҳиёт» асарида ҳукмларнинг мақсад, урф-одат, замон ва маконга қараб ўзгариши масаласи ёритилган. Мақола ислом ҳуқуқи фонидаги қўлланиладиган ҳукмларнинг амалга оширишдаги муаммоларни ва уларнинг ижтимоий контекстдаги таҳлилини кўрсатади. Асарни ўрганишнинг мақсади ҳукмларнинг ҳар хил шарт-шароитларга мослашиш қобилиятини кўрсатиши ва бунинг ижтимоий ва ҳуқуқий асосларини тушунишдан иборат. Мақола, шунингдек, замон ва маконга кўра ҳукмларнинг ўзгаришининг ижтимоий ва ахлоқий асослари ҳақидаги назарий ва амалий фикрлар билан тўлдирилган. «Манҳиёт» асарини таҳлил қилиш орқали, бу мақола ислом ҳуқуқида урф-одат ва соқо-ҳуқуқий муҳитга боғлиқликни, шунга қўшимча равишда, ҳар бир ҳуқуқий ҳукмнинг таълимот ва амалий татбиқ қилишда энг тўғри шаклларни топишга интилишини кўрсатади.

Ҳаким Термизийнинг «Манҳиёт» асарини ўрганиш, хусусан, ҳукмларнинг ўзгарувчан табиати ва уларнинг замон ва маконга мослашишига оид фикрларни аниқлаш ва кўриб чиқиш учун муҳим аҳамиятга эга. Мақолада, ислом ҳуқуқи (шаръий ҳуқуқ)даги ҳукмларнинг тўғри ва адолатли амалга ошириш учун зарур бўлган шарт-шароитлар, жумладан, замон ва маконнинг ҳуқуқий қарорларга таъсирига доир турли назарий ва амалий тафсиллар тақдим этилган. Шу билан бирга, мақолада ахлоқий ва ижтимоий заруриятлар, шунингдек, ҳукмларнинг ижтимоий жамият ва унинг тартибини сақлашдаги ролига ҳам алоҳида эътибор қаратилади.

Калим сўзлар: Ҳаким Термизий, Манҳиёт, ҳукм ўзгариши, урф, макон, замон, мақсад, ислом ҳуқуқи.

Abstract. This article explores the issue of the adaptability of Shariah rulings as discussed in Manhiyyat by Hakim Tirmidhi, emphasizing their changeability based on purpose, customs, time, and place. It examines the challenges encountered in implementing these rulings within Islamic jurisprudence and analyzes their contextual application in social settings. The primary aim of the study is to highlight the capacity of Shariah rulings to adjust to diverse circumstances while uncovering their social and legal underpinnings. The article further delves into both theoretical and practical perspectives on the ethical and social foundations underpinning the modification of rulings in response to time and place. By analyzing Manhiyyat, the discussion highlights the interconnectedness of custom, socio-legal contexts, and Islamic jurisprudence, as well as the effort to identify the most appropriate methods for doctrinal and practical application of legal rulings.

The study of Al-Manhiyyat by Hakim Tirmidhi holds significant importance for understanding the evolving nature of rulings and their adaptability to varying temporal and spatial contexts. This article provides diverse interpretations of the prerequisites for implementing Shariah rulings in a just and accurate manner. It also examines the influence of time and place on legal decision-making, while addressing moral and social necessities and the critical role of rulings in preserving social order and structure.

Keywords: Hakim Tirmidhi, Manhiyyat, adaptability of rulings, custom, place, time, purpose, Islamic jurisprudence.

Аннотация. В данной статье рассматривается вопрос изменчивости предписаний в произведении Хакима Термида «Манхийят», в зависимости от цели, обычаев, времени и места. Статья освещает проблемы, возникающие при реализации предписаний в исламском праве, и их анализ в социальном контексте. Цель изучения произведения заключается в демонстрации способности предписаний адаптироваться к различным условиям и в понимании их социальных и правовых основ. Статья также включает теоретические и практические размышления о социальных и этических основаниях изменчивости предписаний в зависимости от времени и места.

Анализируя «Манхийят», статья показывает связь между обычаями, социально-правовой средой и исламским правом, а также стремление найти наиболее подходящие формы для применения и реализации каждого юридического предписания как в теоретическом, так и в практическом контексте.

Изучение произведения Хакима Термида «Манхийят» имеет особое значение для определения и рассмотрения идей об изменчивой природе предписаний и их адаптации к времени и месту. Статья представляет различные теоретические и практические толкования относительно необходимых условий для правильной и справедливой реализации предписаний в исламском праве (шариате), включая влияние времени и места на юридические решения. Кроме того, в статье уделяется особое внимание моральным и социальным потребностям, а также роли предписаний в поддержании социального порядка и его регулировании.

Ключевые слова: Ҳаким Тирмизий, Манхийят, изменение постановлений, обычай, место, время, цель, исламское право.

Термизий нафақат фақиҳларнинг, балки, аҳли ҳадис методикасини ҳам қайта кўриб чиқади. Ҳадисларга ёндашувда Термизий кўпроқ фақиҳлар услубига яқин бўлади. Ҳаким Термизий муҳаддисларни 3 турга ажратади: 1) рувот (ровийлар) – уларни Термизий ҳадисларнинг санади, ровийлар билангина овора бўлиб, носих ва мансух ҳамда ом ва хосни ажратмай, маъноси очиқ бўлмаган (ғомид)ларни фарқламасликлари, мақсадлари фақат ёзиш ва ёд олиш бўлиб қолгани, фикрлари боблар, санадлар ровийлар йўллари билан чекланиб қолганини танқид қилиб, илмнинг фақат пўстлоғини қўлга киритганлар, дейди; 2) вуот (англаб етганлар) – Ҳаким Термизий уларни ҳадисларнинг маъзини англаб етишини мактайди: «Вуот (англаб етганлар) Расулуллоҳ (а.с.) ҳадисларини диндаги ишончли, рози бўлинган имомлардан олиб, риоясини қилганлар. Риоясини қилишлари истинбот қиладилар, ҳадиснинг маъноларини очиб берадилар, таъвил жиҳатларини ўрганиб зоҳирини ботинга ўгирадилар... Вуот мудом (ҳадиснинг) маънолардаги пардаларни очиб бориш ва хусни таъвил талабидалар; 3) наққолун – улар рувотдан ҳам пастроқ даражада бўлиб, уларнинг санадларни териб чиқишларини, ҳадис ривоят йўллариини ўрганишга ўта машғул бўлиб, ҳадис маъноларини назардан четда қолдиришини танқид қилади (Хусайний А., 1963:79-80).

Маълумки, муҳаддис ва фақиҳларнинг ҳадисларга ёндашувида услубий жиҳатдан фарқларни кўриш мумкин. Жумладан, жумхур муҳаддислар мурсал ҳадисни (тобей тўғридан-тўғри Пайғамбардан (а.с.) ривоят қилган ҳадис) «заиф, ҳужжат эмас», дейишган. Жумхур фақиҳлар эса, «мурсал ҳадис ҳужжат, унга амал қилинади», деганлар (Муҳаммад Аввома, 2018:28). Ҳанафийлар ўз навбатида ҳадиснинг саҳиҳлигини белгилашда асосий омил қилиб «унинг қабул қилиниши ва амал қилиниши»ни кўрсатганлар. Шу жиҳатдан ҳанафийлар аҳли ҳадисдан фарқли суннат тақсмотини келтирганлар. Муҳаддислар суннатни иккига ажратадилар: мутавотир ва оҳод. Оҳод ғариб, азиз, машхурга бўлинади. Ғарибда бир киши ривоят қилган, азизда икки киши, машхурда эса иккитадан кўп киши ривоят қилган бўлади. Бу тақсмотда асосий эътибор ровийлар ва уларнинг ададига қаратилади. Аммо, фақиҳлар ривоятнинг қабул қилиниши ва амал қилинишига эътибор қаратадилар. Уларнинг наздида ҳадис ворид бўлиши жиҳатидан учга бўлинади: мута-

вотир, машхур ва оҳод. Мутавотир ва оҳод бўйича муҳаддислар ва фақиҳлар ўртасида мувофиқлик бор. Аммо «машхур» тушунчаси муҳаддисларникидан фарқланади. Чунончи, ҳанафийларга кўра машхур ривоятнинг шартинга катта саҳобий ва тобейларнинг амал қилиши ва ижмосидир. Муҳаддислар ҳадис саралашда унинг санадига эътибор қилган бўлсалар, ҳанафий фақиҳлар мазкур жиҳат билан бирга яна бошқа кучли жиҳати – катта саҳобий ва тобейларнинг ушбу ҳадисга амал қилишлари ва қабул қилишларини шарт қилдилар. Агар, улар ҳадисни қабул қилсалар унинг саҳиҳлигига, агар рад этган бўлсалар заифлигига далолат қилади. Ҳадиснинг амал ва қабул қилинишига эътибор қилиш моликийларда ҳам машхур бўлиб, «амал аҳл ал-Мадина» усули шунга таянади. Шунингдек, аҳли ҳадиснинг айрим катта муҳаддислари ҳам айнан шу меъёрни таъкидлаганлари қайд этилган (Салоҳ Абулҳож, 2017:402-403).

Ҳаким Термизий ҳам ҳадиснинг саҳиҳлигини унинг санади ва ровийларини текширишга катта эътибор қаратиш билан эмас, балки унинг матнини текшириш, у ҳадисга амал қилиниш ҳолати юзасидан баҳо берилиши кераклигини таъкидлайди. Ҳаким Термизий иснодларини ёдлаш билан чекланиб, маънога эътибор бермайдиганлар ҳақида «Шифо' ал-'илал» асарида: «Улар иснодларини, ривоят йўллариини ёдлайдилар, ровийларни таҳлил қилиш, уларнинг иллатларини топишга зўр берадилар. Лекин ҳадисларнинг маънолари, лафзлари уларнинг диққат эътиборидан четда қолди. Қанча ҳадислар биргина сўзи ўзгариб кетиши оқибатида уларнинг асосий маъноси ҳам ўзгариб кетди. Улар бунга эътибор бермадилар, улар бунга тадқиқ этишдан кўра ровийларнинг танқиди билан овора бўлдилар. Фалончи фалончидан ғариб, деб, улар сохталаштирган ривоятни келтирадилар. Сўнгра, уни инкор қиладилар. Буларнинг бари ўзларини кўрсатиш, дунёдан еб қолиш учун. Ҳасад ва таъна олови ўрталарида бот-бот алангалади. Улар Аллоҳ учун қилмадилар буларни» (Ҳаким Термизий, №770:76), – деб ёзади. У яна бир ўринда кўр-кўроналик касб этган муҳаддисларни «тергаб» ўтади ва уларни «санадлар билан безовчилар» деб атаб, давом этади: «Санадлар билан безовчилар бор вақтини бобларга таснифлаш, санадларни тартиблаш, ровийларга таъна қилиш (ёки жарҳ қилиш), (ўзи тўплаган ҳадислардаги машхур) муҳаддислар исмларидан

сархуш бўлиш билан ўтказадилар». Шунингдек, Ҳаким Термизий мазкур асарида ҳадис ровийларининг ўз ривоятларида иснодларини безаш учун таникли куфалик, басралик ёки шомлик ровийларни келтиришга интилишларини қоралайди. Жумладан шундай дейди: «Булар бир ҳадисни аввал ўз юртдошидан эшитадилар, лекин кейинроқ айнан шу ҳадисни куфалик, басралик ёки шомликдан эшитсалар улардан ривоят қилиб, ўз юртдошини тарк этадилар... Улар бу амаллари, ахлоқлари, шамойиллари билан одамларни чалкаштирадилар. Одамларни ибодат йўлидан тўсдилар, ўзлари эса ўта адашган ва ибодатдан йироқдирлар. Ижозаларни сотадилар ҳамда уламоларнинг хатоларини тўплаб, лаҳвга бериладилар. Ҳукмдорларнинг ситам ўтказишлари ва разил ичимликларни истеъмол қилишлари, дунё матоҳларига берилишларига йўл очиб берадилар» (Ҳаким Термизий, №770:86).

Яна бошқа бир ўринда танқидий фикрларнинг кескинлашувини кўрамиз: «Илм талабида юртларни кезадилар. Ўз юрт уламоларини кўйиб, эртасига «бизга буни фалончи фалоний ривоят қилган», деб оммага кўз-кўз қилиш учун бошқа диёр уламолари номларини келтириш билан ажралиб турмоқчи бўладилар», – деб норозилик билдиради. Ҳаким Термизий «Наводир ал-усул»да ҳадисларнинг саҳиҳини ажратиб беришни ҳакимлар амалга ошира олишини айтиб, уларнинг услуби ҳадиснинг маъносини тафсилотларигача ўрганиш, сўзларнинг зоҳирий ва ботиний мазмунини таҳлил қилиш, Қуръон ва суннатга мувофиқлигини текшириш орқали тўғри хулосага келишдир (Ҳаким Термизий, 2015:536-537). Бу услубда матн танқидига катта эътибор қаратилади. Шу ўринда айтиш ўринлики, ҳақиқатда ҳам аҳли ҳадис муҳаддислар ҳадис матни танқидидан кўра кўпроқ санад танқиди, ровийларни саралаш масаласига кўпроқ эътибор қаратганлар. Бунга бир неча сабаблар бор, жумладан: муҳаддисларнинг мақсади санаднинг ўзи эмас, балки уни ўрганиш орқали матн саҳиҳлигини аниқлаш бўлган, зеро ишончли ровийлардан қилинган ривоят саҳиҳлиги борасида хулоса келиб чиқади; ҳадисга ҳукм чиқаришнинг энг мухтасар йўли ҳам санад танқиди орқали амалга ошади; матн танқиди эса машаққатли йўл, унга катта салоҳият талаб этилади (Жузжоний А., 2018:16-17).

МУҲОКАМА

Мужтаҳид ҳукм чиқараётганда далилларни билиши, қандай далил келтириши, ҳолат ва шароитни билиш каби шартлар белгиланган. Мана шулардан бири воқеликни тушунишдир. Воқеликни тушунишнинг энг муҳим жиҳати эса – «ҳаракатларнинг оқибат-натижалари»ни (маалат ал-афъаал) билишдир. «Молат ал-афъол» – ҳукмлардан чиқадиган фойдалар, ёмонликларни қайтариш, оқибат-натижа фойдали бўлишини кўзлаган ҳолда ҳукмда истисно қилиш, ҳукмни ўзгартириш, бошқа ҳукм чиқариш каби йўллар билан шариат тасарруфотларини тартибга солади. Ушбу атама Имом Шотибий даврида муомалага киритилган бўлса-да, аммо унинг тамойиллари аввалги фақиҳлар асарларида ҳам белгиланган эди. Усул ал-фикҳ уламолари қўллайдиган бир қанча қоидалар «молат ал-афъол» билан чамбарчас боғлиқ бўлган. Жумладан, садд аз-зарое, урфга риоя қилиш, истислоҳ, истехсон, шаръий ҳийлалар, фатвонинг замон, макон, ҳолат ва шахсга қараб ўзгариши ва бошқалар. Мазкур атаманинг маъноси ҳукмлар шариат мақсадларини – фойдани жалб этиш ва зарарни даф қилишни амалга оширишни кўзда тутди. Бу ҳолат умумий кўринишда барча замон, макон, ҳолат ва шахсларни қамраб олади. Аммо, баъзи ҳукмлар айрим вазиятларда қўйладиган фойда эмас, зарар келтирадиган бўлса, мужтаҳид зарарни даф қилиш ва фойдани жалб қилиш мақсадида ҳамда ҳукмларнинг оқибатларини ўйлаб ҳукмга ўзгариш киритади (Муҳаммад А.М., Муҳаммад С.Ҳ., 2023:271-272).

Фатвонинг ҳолатга кўра (макон, замон, урф-тартиб, шахслар) фарқланиши масаласи Ҳаким Термизий асарларида амалий татбиқ жиҳатидан кўриб чиқилган. Урф-тартибнинг фатво ўзгаришига таъсирини Ҳаким Термизий фуруга оид масалалар муҳокамасида қайд этган. У ўзининг «Манҳиёт» асарида «Пайғамбар алайҳиссалом сотишга нарсга олиб келаётган кишиларни бозорга киришдан олдин кутиб олишдан қайтардилар», деган ҳадис шарҳида Ҳаким Термизий бу таъқиқ хижратнинг аввалида бўлганини, Мадина бозорларида арзончиликни таъминлаш, ташқаридан келган сотувчилар ҳам зарар кўрмаслиги, одамлар ўзаро мулоқот қилиши учун, бозорлар обод бўлиши учун, деган мақосидий таълилни келтирган. Вазият ўзгарган эса, бу таъқиқлар бекор бўлгани зикр қилинган (Ҳаким Термизий, 2017:63).

Ҳақим Термизий бу ерда муҳим бир усулий тамойилга таянадики, ҳолат, шахс, замон ва макон ўзгаришига қараб фатво фарқланади. Буларнинг барчаси «шариат мақсадлари»нинг (мақосид аш-шариа) муҳим бўлган «ҳаракатларнинг оқибат-натижалари»ни эътиборга олиш қондасидир. Ҳақим Термизий «Манҳиёт» асарида муайян ишни қилишдан қайтарувчи – 170дан ортиқ наҳй (қайтариш) ҳадисларни жамлаган. Асарда таъқиқ сабаблари (иллатлари) ҳам муҳокама қилинган. Мазкур ҳадисларнинг йўллари аниқланиб, санадлари тўлиқ тафсилотлар билан берилади. Асарда муаллиф аввал ҳадисни келтиради, сўнгра унинг мазмунини очиш учун оят, ҳадис, машҳур саҳобий, тобейй ва уламоларнинг гапларини келтиради. Ёки фақатгина ўз қарашларини ифода этади. Наҳий ҳукмларнинг сабабларини кўрсатиб беради ва унга эътибор қилмаслик инсонга дунё ва охиратда қандай аянчли оқибатларга олиб келиши кўрсатилади. Дунёда келиши мумкин бўлган оқибатлар ичида тиббий аҳамиятга эга бўлганлари ҳам бор. Сўнг, турли бир-бирига яқин ҳамда қарама-қарши қарашлар бўйича ўз муносабатини билдиради: баъзан уларни мувофиқлаштиради, баъзан бир тарафни қўллаб-қувватлайди. Муаллиф албатта масала бўйича ўз муносабатини билдириб ўтади. Кейин ҳадислар шарҳланиб, улардан ҳукмлар чиқарилади.

Асарда фикҳий аҳамиятга эга матнлар ҳам талайгина келтирилган. Айниқса, Термизийнинг наҳий масалалари бўйича фикҳий хулосалари алоҳида эътиборга молик. Ушбу хулосаларни шакллантиришда у ҳанафий уламоларининг қавлларида фойдаланган. Жумладан, «Манҳиёт» асарида сув оқадиган ариқларга бавл қилиш мавзусида мавзуга оид уламоларнинг қарашларини зикр қилиб, ҳал қилувчи фикр сифатида Абу Юсуфнинг ҳадисга оид шарҳини (Термизий «таъвил», деб атайди) келтиради (Ҳақим Термизий, 2017:17).

Айниқса, савдога оид қайтарилган масалаларда Термизийнинг фикҳий қарашлари кўпроқ намоён бўлади. Асарда қуйидагилар мумкин эмаслиги таъкидланади: мевани салоҳияти кўринмасдан сотиш (96-бет), муҳоқала (54-бет), бир неча йилга сотиш (97-бет), узумни майизга тенгма-тенг сотмаслик (98-бет), қарз бериш ҳисобига савдо қилиш (102-бет), икки шартли савдо (102-бет), ўзининг ҳузурида бўлмаган

нарсани сотиш (102-бет), кишининг қафолатига ўтмаган нарсадан фойда олиш (103-бет), сувни сотиш (108-бет), сувдаги балиқни сотиш (187-бет), Мусҳаф сотиш (188-бет), иш ҳақини келишмасдан мардикор ишлатиш (188-бет), ҳайвонни ҳайвонга насия қилиб сотиш (190-бет), подшоҳнинг рухсатисиз жанг қилиш (191-бет), олтинни олтинга насия қилиб сотиш (196-бет), олтинни олтинга баробар қилмасдан сотиш (196-бет) каби масалалар (Ҳақим Термизий, 2017).

Термизий қайтариш ҳақидаги ҳадисларни таҳлил қилиб, уларни икки турга ажратади: «наҳий ат-таъдиб» (одоб юзасидан қайтарилган ҳадислар) ва иккинчиси – «наҳий ат-тахрим» (ҳаромлик боис қайтарилган ҳадислар) (Ҳақим Термизий, 2017:11).

Ҳақим Термизий «Манҳиёт» асарида ҳар бир наҳийнинг сабаби борлигини ҳамда ўша сабабига кўра қайтариқларнинг даражаси ҳаромдан мубоҳгача фарқланишини кўрсатиб беради.

Шунингдек, Ҳақим Термизий айрим ўринларда шахснинг ҳолатига кўра унга муносиб шариат ҳукмлари жорий бўлишига мисоллар келтиради. Жумладан, «Расулуллоҳ алайҳиссалом уввос тортиб, дод-вой солиб йиғлашнинг барчасидан қайтариб, ҳаттоки унга олиб борадиган барча сабабларни ман қилдилар. Ҳатто, паст овозда йиғлашдан ҳам қайтардилар. Расулуллоҳ (с.а.в.) бу билан жоҳилиятдан эндиgina чиққан мусулмонларга йиғи-сиғи, бақир-чақир масаласини узил-кесил ҳал қилишни истадилар. Бу ишни муболаға қилиб, ҳатто қабрларни зиёрат қилишдан ҳам қайтардилар. Аллоҳ таоло ҳаром қилган барча ишларда худди шундай йўл тутилди. Ҳаром ишга чорловчи сабаблар ҳам ҳаром қилинди» (Ҳақим Термизий, 2017:107-108). Жумладан, аввалида ҳамрга айланиб қолишини олдини олиш мақсадида дуббо, ҳантам, нақир ва музафفات номли идишларда набиз сақлашдан ҳам қайтарган бўлсалар, кейинчалик ҳаром ичимликлар ҳақида тасаввур мусулмонлар онгига ўрнашгандан кейин бундай идишларни ишлатавериш мумкин эканини, асосийси маст қилувчи ичимлик ичмаслик кераклиги баён қилинди (Ҳақим Термизий, 2017:179). Жоҳилият одат ва расм-русмларини таг-томиридан қўпориб ташлаш муҳим эди. Кейинчалик саҳобийларнинг нафслари тўғри йўлга ҳидоят топгач, таъқиқлар

бекор қилинди. Жумладан, қабр зиёратига, таъзия вақтида кўзёши тўкишга, хурмо шарбати ичиш ва бошқаларга рухсат берилди.

Яна бир ҳадисда «Киши деворига қўшниси тўсинини қўйишига тўсқинлик қилишидан қайтардилар», дейилади. Ҳаким Термизий бу ҳолатни шарҳлаб айтадики, аслида қўшни ман қилишга ҳақли, бу унинг ҳаққи. Аммо, мазкур ҳолат жамиятда бегоналашув, беқарорликка олиб келиб, ўзаро ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик алоқаларига раҳна солиши ҳамда қўшнининг ҳурматини сақлаш мақсадида бу ишга таъқиқ қўйилган (Ҳаким Термизий, 2017:189).

Ҳаким Термизий ман қилувчи ҳукмларнинг иллатларини (сабаб) ҳам баён қилиб кетган. Жумладан, «авваллари қабрларни зиёрат қилганда бепарда, ҳақоратли сўзларни айтишар, уввос тортиб йиғлашар эди» (Ҳаким Термизий, 2017:64). Ёки, «Сувдаги балиқни сотишдан қайтардилар», деган ҳадисни закр этиб, унинг иллоти – бу алдовнинг бир кўриниши эканини айтади. Зеро, сотувчи пулини олиб ўша балиқни тута оладими, йўқми, номаълум, дейди (Ҳаким Термизий, 2017:187).

Ҳаким Термизийнинг фикрларидан жамиятдаги одатлар ҳам ҳукмларда эътиборга олинishiга далолат қилади. Бирор ҳукм жамиятдаги зарарнинг йўлини ёпиш учун, ҳаракатларнинг натижаси эътиборидан киритилса, одатлар ўзгариб ҳаром ишлар барҳам топса, рухсат яна ўрнига қайтади. Бу ерда бир неча мақосидий тамойиллар ўзаро кесишади (Муҳаммад А.М., Муҳаммад С.Ҳ., 2023:305). Худди шу мезон билан «Манҳиёт»да таъзия жойига йиғилиб, эшик олдида ўтириб олиш, мол ҳимоясида ўлим топиш, шеър тўкиш, қўшиқ айтиш каби масалаларнинг ҳукми кўпроқ ички ҳолатга боғлиқ экани таъкидланади. Масалан, риё учун таъзия жойига йиғилинса, бу жоҳилият ишидир. Аммо, эркак қариндошлар йўқлиги учун таъзия қабул қилиш учун таъзия эшиги олдида ўтириш жоиз иш (Ҳаким Термизий, 2017:78-79). Шунингдек, мол агар ҳалолдан жамланган бўлса, ҳамманинг ҳаққи адо этилган бўлса, шу молни ҳимоя қилиб ўлим топса, шаҳид бўлади. Акс ҳолда у шаҳид мақомида бўлмайди. Ёки, шеър, у ҳам вазият тақозосига кўра мақталган ёки қораланган бўлади. Термизий айтади: «Қўшиқ, шеър, хиргойи қилиш (масалан, туяни ҳайдаб боришда), ражаз (шеър вазни) ҳақидаги хабарларда улардан

сақланиш, қайтариш кераклиги келган экан. Биз бу хабарларни кўриб чиқиб, билдикки, булар бари сўзлар ва мазмундан иборат товушлардир. Булардан Аллоҳ учун айтилгани, Қуръон оятлари ва маъноли гаплардан иборат бўлгани мақталгандир. Нафс ва дунё хою ҳаваслари учун бўлса у қоралангандир. Зеро, Расулуллоҳ с.а.в. ҳам Ҳассон ибн Собитга шеър билан мушрикларни ҳажв қилишни буюрган эдилар. Оишадан (р.а.) ривоят қилинишича, Пайғамбар а.с. Ҳассон ибн Собит шеър айтиши учун масжидда минбар қўйдирар эканлар». Ҳаким Термизий «Шуаро» сурасида ҳам шоирлар танқид қилиниб, аммо улардан имон келтирган, солих амаллар қилган, Аллоҳни зикр этганлари бундан мустасно экани айтилганини келтиради (Ҳаким Термизий, 2017:43-45). Қўшиқ ҳақида эса алоҳида: «Қўшиқ – товуш бўлиб, унинг мазмунга эга сўзлари бор. Товуш қалбларни ҳаяжонга келтиради. Товушдаги сўзлар борки нафсларни ҳаяжонга келтиради, сўзлардаги шундай маънолар борки, улар хоҳишни жунбушга келтиради. Агар, бу маънолар Аллоҳга далолат қилса, қалб юмшайди, Аллоҳга юзланади, нафс унга эргашади, хоҳиш ҳам унга мойил бўлади. Агарда, маънолар нафс кирдикорлари ҳамда дунё юмушларига далолат қилса, нафс роҳат-фароғатда лаззатланади. Қалб эса унга асир тушади. Хоҳишлар ва душман уни маҳв этишга йўл топади» (Ҳаким Термизий, 2017:42). Шунингдек, «Пайғамбар (а.с.) этакни осилтириб юришдан қайтардилар», деган ҳадис шарҳида Ҳаким Термизий ўша даврда арабларда этаги узун кийим кийиб юриш кибр, кеккайиш ва иззатталаблик белгиси бўлгани сабабли қайтарилганини баён қилади. Аммо, унинг даврига келиб эса узун киймаслик риёкорлик ва такаббурликка айлангани учун энди узун кийиш маъқул иш эканини айтиб, тобейй Айюб Сахтиёний (685-748)нинг «Бугунги кундаги суннат шу кўринишдадир», деган қавлини келтирган (Ҳаким Термизий, 1985:54).

НАТИЖА

Юқоридагилардан маълум бўладики, Ҳаким Термизий бир масала бўйича барча далилларни тўплаб, уларни мувофиқлаштириш бўйича ички ҳолатни ҳам эътиборга олади. Маълум вазият бўйича келган ман қилувчи ҳадис, ички ҳолат тақозосига кўра амал қилиниши тўхтатилиши

ёки чекланиши мумкинлигини Ҳаким Термизий «Манҳиёт» асарида кўрсатиб беради.

Ҳаким Термизийнинг «Манҳиёт» асарида садд аз-зарое қондаси татбиғини кўриш мумкин. Жумладан, май ҳаром қилингандан кейин дуббо, хантам, нақир ва музаффат номли идишларда ҳар қандай шароб ичиш ҳам таъқиқланди. Чунки бу идишлардаги ичимлик маст қилувчи майга айланиш хусусияти бор эди. Кейинчалик эса бу таъқиқ олиб ташланди (Ҳаким Термизий, 2017:179). Демак бу ўринда садд аз-зарое қондасига кўра, ҳаром қилинган ичимликка олиб борадиган йўлни тўсиш мақсадида аслида мубоҳ бўлган идишлар ва улардаги мубоҳ ичимликларга таъқиқ қўйилган, кейинчалик одамлар орасида ислом таълимотлари яхши танилгач, бу таъқиқлар бекор қилинган. Ёки авратни битта кийим билан ўраниб олиб ёпиб юришга оид буйруқларнинг иллатини Ҳаким Термизий қуйидагича изоҳлайди: «Кишининг битта кийим, битта чойшабга ўралиб намоз ўқишдан қайтарилишига сабаб – унинг аврати очилиб қолиш эҳтимоли юқори бўлганидир. Саҳобийлар эндигина жоҳилият замонасидан ўтган янги мусулмонлар эди. Жоҳилиятда улар Каъбани яланғоч тавоф қилар эдилар. У вақтдаги одамлар яланғоч бўлиш ва авратлари очилиб қолишидан ор қилмас эдилар» (Ҳаким Термизий, 2017:11). Яъни, аврат очилиб қолишининг олдини олиш мақсадида садд аз-зарое қондаси ишлатилмоқда.

Мақсадларга кўра ҳукмларнинг ўзгариши масаласи ҳам «Манҳиёт»да намоён бўлади. Масалан, ҳадиси шарифларда соч-соқолни қорага бўяш таъқиқланиши келтирилган. Аммо, Ҳаким Термизий бошқа ҳадисларни ўрганиб чиқиб, хулоса сифатида эркак кишининг қорага бўяши аёли учун зийнатланиш, душманларга кўркув солиш учун тадбир бўлса, бу таъқиқдан ташқарида эканини тушунтирган (Ҳаким Термизий, 2017:159). Демак, мақсад ва вазиятга кўра таъқиқ доираси ўзгариши мумкинлиги назарда тутиляпти.

Ҳаким Термизийнинг «Наводир ал-усул» асарида ҳам айнан шундай мисолларни кузатиш мумкин. Масалан, Ҳаким Термизий «Манҳиёт» асарида натижавий ҳукм ўзгаришини қуйидаги йўналишларда кўриб чиқади: замон, макон, шахс ва вазият ўзгаришига қараб; садд аз-зарое мақсадида; шахс мақсадларини эътиборга олган ҳолда; истислоҳ ва истехсон нуқтаи назаридан

(Муҳаммад А.М., Муҳаммад С.Ҳ., 2023:338). Бундай ёндашув фақатгина Ҳаким Термизийга хос эмас, балки ҳанафий мазҳаби фақиҳларининг барчасига хос. Жумладан, Термизийдан бир аср кейин яшаган фақиҳ Сирожиддин Ўший (ваф. 1179 й.) ҳам «ал-Фатаво ас-Сирожийя» асарининг «Фатво берувчи одоби» бўлимида «Фатво берувчи юрт урф-одатларига ва замонига қараб иш тутиши керак, мадомики шариатга хилоф келмаса», деб айтади (Сирожиддин Ўший, 2011:601). Яна бир ўринда Ўший «Ҳеч ким уламоларнинг қавллари, қаердан олиб гапирганлари, одамлар ўртасидаги муносабат (муамалот)ларни билмай туриб фатво бериши мумкин эмас», –деб таъкидлаган (Сирожиддин Ўший, 2011:600). Шунингдек, ҳанафий мазҳаби пешволари – Абу Юсуф, Зуфар ва Уқба ибн Язиднинг «Ҳеч кимга қаердан олиб гапирганимизни билмай туриб, бизнинг сўзларимиз билан фатво бериши ҳалол бўлмайди», деган гапларини асарда қайд этган (Сирожиддин Ўший, 2011:600).

ХУЛОСА

Ўз асарлари билан Ҳаким Термизий нафақат аббосийлар даври Термиз минтақасига балки ислом дунёсига таъсир кўрсатди, унинг асарлари асрлар давомида турли минтақалар бўйлаб ўрганилди. Унинг асарларидаги ҳукмларнинг воқеъликка муносиб тарзда ўзгариши ҳақидаги фикрлари кейинги давр мужтаҳидлари қарашларига ижобий таъсир кўрсатди.

Ҳаким Термизийнинг фикҳий қарашлари ва унинг муҳаддисларга бўлган кескин салбий ёндошуви унинг раъй аҳлидан бўлганини, мазҳаб жиҳатидан ҳанафийликка эргашганини кўрсатади. Шу билан бирга, у ўз асарларида ўзидан аввалги фатволарни келтириш билан кифояланиб қолмай, балки мазкур ҳукмларнинг ҳикмати ва моҳияти, шаръий иллатини далиллар асосида очиб шарҳлаб беришга алоҳида эътибор қаратгани, шунингдек, шаръий ҳукмларнинг мақсади ва ўзгариш омилларини тушунтириб беришга алоҳида урғу бергани диққатни тортади. бу ўринда Ҳаким Термизий нафақат ривоятларнинг, балки шаръий ҳукмларнинг ҳамда усул ва фуру ал-фикҳ қоидаларининг шореҳига айланади.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Karapinar Fikret. (2007). İlk devir sûfilerin hadis birikimleri // Marife, yıl. 7, sayı. 2.
2. Жузжоний А. (2018). Қоваид фи улум ал-ҳадис ан-набавий ала манҳаж ас-сада ал-ҳанафийя. Девбанд.
3. Мухаммад А.М., Мухаммад С.Х. (2023). Қоида маъаалат ал-афъаал // Мажалла аш-шариа ва қонун. Ал-Азҳар университети, Шариат ва қонун факультети нашри, № 41. Қоҳира.
4. Мухаммад Аввома. Фақиҳ имомлар ихтилофида ҳадиси шарифнинг ўрни / тарж. Мухаммад Содик М.Ю. Тошкент: Hilol-nashr, 2018.
5. Салоҳ Абулҳаж. (2017). Ал-мадҳал ал-мұфассал ила-л-фикҳ ал-ҳанафий. Аммон: Дар ал-фатҳ.
6. Сирожиддин Ўший. (2011). Ал-Фатаво ас-сирожийя / М.У.Баставий нашрга тайёрлаган. Байрут: Дар ал-кутуб ал-илмийя.
7. Ҳаким Термизий. (1985). Манҳиёт. Қоҳира: Мактаба ал-Қуръан.
8. Ҳаким Термизий. (2017). Қайтарилган амаллар (Манҳиёт)/ араб тилидан О.Қориев, М.Исмоилов тарж. Тошкент: Наврўз.
9. Ҳаким Термизий. (2015). Наводир ал-усул. Жидда: Дар ал-минҳаж.
10. Ҳаким Термизий. Шифо' ал-'илал. Қўлғезма. Валиюддин, №770. 76 varaқ.
11. Ҳусайний А. (1963). Ал-Маърифат инда ал-Ҳаким ат-Тирмизий. Қоҳира: Дар ал-кутуб ал-арабийя.

REFERENCES

1. Karapinar, Fikret. (2007). İlk devir sûfilerin hadis birikimleri. Marife, 7(2).
2. Juzjani, A. (2018). Qawa'id fi 'Ulum al-Hadith al-Nabawi 'ala Manhaj al-Sada al-Hanafiyya. Deoband.
3. Muhammad, A. M., & Muhammad, S. H. (2023). Qawa'id Ma'alat al-Af'al. Majalla ash-Sharia wa al-Qanun, Al-Azhar University, Faculty of Sharia and Law, 41. Cairo.
4. Muhammad 'Awwama. (2018). Faqih Imomlar Ixtilofida Hadisi Sharifning O'rni (Trans. Muhammad Sodik M. Yu.). Tashkent: Hilol Nashr.
5. Salah Abul Hajj. (2017). Al-Madkhal al-Mufasssal ila al-Fiqh al-Hanafi. Amman: Dar al-Fath.
6. Siraj al-Din al-Ushi. (2011). Al-Fatawa al-Sirajiyya (Ed. M. U. Bastawi). Beirut: Dar al-Kutub al-'Ilmiyya.
7. Hakim al-Tirmidhi. (1985). Al-Manhiyyat. Cairo: Maktabat al-Qur'an.
8. Hakim al-Tirmidhi. (2017). Qaytarilgan Amallar (Al-Manhiyyat) (Trans. O. Qoriyev & M. Ismoilov). Tashkent: Navro'z.
9. Hakim al-Tirmidhi. (2015). Nawadir al-Usul. Jeddah: Dar al-Minhaj.

10. Hakim al-Tirmidhi. Shifa' al-'Ilal. Manuscript. Valiyuddin, No. 770, folio 7b.
11. Husayni, A. (1963). Al-Ma'rifa 'inda al-Hakim al-Tirmidhi. Cairo: Dar al-Kutub al-'Arabiyya.

